

ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ҲАМДА ҲУКУМАТ ҚАРОРЛАРИНИНГ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН “ЎЗАГРОИНСПЕКЦИЯ”ДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР

Ижро интизомига риоя қилиш ҳар бир бошланган ишнинг муваффақиятли амалга ошишининг гаровидир. Шундай экан, ушбу йўналишда Ўзагроинспекция ваколати доирасида белгилаб берилган чоратadbирларнинг натижадорлигига катта эътибор берилмоқда.

Хусусан, 2025 йилнинг январь-октябрь ойларида **641** та ҳужжат, шундан, Ўзбекистон Республикасининг **73** та Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **98** та фармон, фармойишлари ва **154** та қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг **316** та қарорлари рўйхатга олиниб, ижроси юзасидан масъул ходимлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилнинг 10 февралдаги **ПФ-6166**-сон, 2025 йил 25 июлдаги **ПФ-117**-сон Фармонлари ҳамда 2021 йил 31 майдаги **ПҚ-5132**-сонли қарор талабларидан келиб чиқиб, ижро интизомига риоя қилиниши бўйича **ҳар ҳафтанинг душанба ва жума кuni** муҳокама қилиниб, ўтказилаётган аппарат йиғилишлари кенгайтирилган йиғилиш ҳамда райёсат йиғилиш баёнлари расмийлаштирилди ва ҳар бир топшириқ ижроси таъминланиши назоратга олиниб келинмоқда.

Хусусан, ҳисобот ойида ҳар душанба кунлари Инспекция бошлиғи ҳузурида ва **ҳар жума** кунлари Инспекция бошлиғининг ўринбосари ҳузурида ахборотлар муҳокама қилиб борилди ва ҳисобот ойининг ўзида **4** та аппарат йиғилиш баённомалари расмийлаштирилди.

“**Ijro.gov.uz**” тизимида бажарилиши лозим бўлган топшириқлар ижроси юзасидан таҳлилий ахборотлар ҳамда инспекцияга келиб тушган қонунчилик ҳужжатларини муддатидан олдин ижросини таъминлаш мақсадида ҳар ойда **Календарь-график жадваллари** ишлаб чиқилмоқда ва шу асосида ишлар кунлик ташкил этилиб, ижроси бўйича **Вазирлар Маҳкамасига** ҳар ойда ахборот киритилиб келинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қонунчилик ҳужжатларини назорат қилиш тизими орқали Инспекцияга **32** та меъёрий ҳужжат бўйича **141** та бандлари кирим қилинган ва ўтган йиллардан ижрога ўтганлари билан бирга, **51** та ҳужжат бўйича жами **194** та топшириқ бўйича **тегишли ишлар ташкил қилинган**.

Олиб борилган ишлар натижасида йил бошидан жами **151** та қонунчилик ҳужжатлари ижроси бўйича ахборотлар тегишли вазирлик ва давлат идораларига киритилган.

Шунингдек, 2025 йил ноябрь ойида муддати келадиган **13** та қонунчилик ҳужжатлари бўйича **19** та топшириқ, шундан алоҳида назоратга олинган **10** та топшириқларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлаш юзасидан раҳбар ўринбосари ва марказий аппаратнинг тегишли бўлинмалари кесимида кунлик “**Календарь-график**” ва “**Йўл харита**”си ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ва ушбу топшириқларни октябрь

ойининг **25 санасига** қадар ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

2025 йил 1 ноябрь ҳолатига “**ljro.gov.uz**” тизими орқали **42** та Президент ҳужжатлари (**14 та** фармон, **21 та** қарор ва **7 та** баён) бўйича **130** та (фармонлар ижроси юзасидан **63** та, қарорлар **59** та ва баёнлар **8** та) топшириқ ижроси назоратга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойишлари ва баёнлари билан бир қаторда “**ljro.gov.uz**” тизими орқали келиб тушган Ўзбекистон Республикаси **Президент Администратсияси раҳбарининг, Вазирлар Маҳкамаси** ҳамда **Ҳукумат комиссиясининг** топшириқлари ижроси ҳам назоратга олинган бўлиб ўз муддатида таъминланиб келинмоқда.

А.Вахабов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи